

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАЖРИБАСИ

**Насиров Шахзод Ҳикмат ўғли**

**Тошкент давлат юридик университети магистранти**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20096227>

**Аннотация:** ушбу мақолада Россия Федерациясида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш тизими таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** кичик ва ўрта тадбиркорлик, давлат рўйхатидан ўтказиш, рўйхатдан ўтказиш тартиби, муддати.

**Аннотация:** в данной статье анализируется система правового регулирования субъектов предпринимательства и государственной регистрации в Российской Федерации.

**Ключевые слова:** малое и среднее предпринимательство, государственная регистрация, порядок регистрации, сроки регистрации.

Бугунги кунда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ҳар қандай давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳа нафақат иқтисодий ўсишни таъминлаш, балки янги иш ўринлари яратиш, инновацияларни жорий этиш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, турли давлатларнинг, жумладан Россия Федерациясининг ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тизими бўйича тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Россия Федерацияси тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу давлатда кичик ва ўрта тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида қўллаб-қувватланиб келинади. Хусусан, давлат томонидан қабул қилинган стратегик дастурлар доирасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш инновацион иқтисодиётни шакллантириш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган.

Россияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш сиёсати, аввало, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш, янги технологияларни жорий этиш ва хизматлар соҳасини кенгайтиришга қаратилган. Ушбу йўналишда бу турдаги тадбиркорлик субъектлари:

янги иш ўринларини яратиш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш;

инновацион фаолиятни ривожлантириш каби муҳим вазифаларни амалга оширувчи асосий драйвер сифатида намоён бўлади.

Шу билан бирга, Россия қонунчилигида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби “Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Федерал қонун (08.08.2001, №129-ФЗ) билан тартибга солинади. Мазкур қонунга мувофиқ,

тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш электрон шаклда амалга оширилиши мумкин<sup>1</sup>.

Россия қонунчилигага кўра, тадбиркорлик субъектлари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

**микрорекорхоналар** – ўтган йил учун маҳсулот (товар, хизмат)ларни сотишдан тушган тушум ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда 120 млн рублгача бўлган ва уларда 15 нафаргача ходим ишлайди;

**кичик корхоналар** – ўтган йил учун маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда 800 млн рублгача бўлган ва уларда 100 нафаргача ходим ишлайди;

**ўрта корхоналар** – ўтган йил учун маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда 2 млрд рублгача бўлган ва уларда 101 нафардан 250 нафаргача ходим ишлайди<sup>2</sup>.

Ю.В. Филимонованинг фикрича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг зарур шартлари давлат рўйхатидан ўтиш ҳисобланади. Бу, бир томондан, тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолияти кафолатларидан фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан, уларга ушбу фаолиятдан келиб чиқадиган солиқ солиш, белгиланган қоидаларга риоя қилиш каби мажбуриятларни юклашга хизмат қилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш иқтисодий фаолият устидан давлат назоратини амалга ошириш, статистик маълумотларни йиғиш, шунингдек давлат, маҳаллий ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларни давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида амалга оширилади<sup>3</sup>.

Давлат рўйхатидан ўтказиш Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан ваколат берилган федерал ижро этувчи орган томонидан, шу жумладан унинг ҳудудий органлари орқали амалга оширилади<sup>4</sup>.

Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ, рўйхатдан ўтказиш ваколатли органга ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан бошлаб **беш иш куни ичида** амалга оширилади. Шунингдек, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳудудий мезони ҳам муҳим аҳамиятга эга. Рўйхатдан ўтказиш юридик шахснинг доимий ижро этувчи органи жойлашган манзил бўйича амалга оширилади. Агар бундай орган мавжуд бўлмаса, ваколатли шахс ёки орган жойлашган манзил асос қилиб олинади. Яқка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) учун эса алоҳида ёндашув белгиланган бўлиб, уларни рўйхатдан ўтказиш фақат яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

<sup>1</sup> Федеральный закон "О государственной регистрации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей" от 08.08.2001 N 129-ФЗ (последняя редакция)  
[https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_32881/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_32881/)

<sup>2</sup> Постановлением правительства «О предельных значениях дохода, полученного от осуществления предпринимательской деятельности для каждой категории субъектов малого и среднего предпринимательства» и пунктом 3 части 1.1 статьи 4 Федерального закона «О развитии малого и среднего предпринимательства в Российской Федерации».

<sup>3</sup> Филимонова Ю В. Особенности и порядок государственной регистрации субъектов малого и среднего предпринимательства. BULLETIN OF THE ANGARSK STATE TECHNICAL UNIVERSITY Volume 1 № 16 , 2022

<sup>4</sup> Федеральный закон "О государственной регистрации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей" от 08.08.2001 N 129-ФЗ (последняя редакция) статья 2.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар рўйхатга олувчи органга почта орқали, шахсан топшириш ёки давлат ва муниципал хизматлар кўрсатиш бўйича кўпфункционали марказ орқали, шунингдек электрон ҳужжатлар шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда юборилиши мумкин.

Ҳужжатларни шахсан ёки кўпфункционали марказ орқали топшириш ариза берувчи ёки нотариал тасдиқланган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи вакили томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, кўпфункционали марказ орқали тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали электрон шаклда рўйхатга олувчи органга юборилади.

Ҳужжатларни электрон шаклда юбориш интернет тармоғи, шу жумладан давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Ҳужжатлар ариза берувчининг электрон имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ариза берувчи шахсан ҳужжатларни топширганда, электрон имзо билан юборилганда, махсус ҳолатларда (масалан, озодликдан маҳрум қилинган шахслар томонидан юборилганда) ҳужжатларни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказишда ариза берувчи сифатида қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

- ижро этувчи орган раҳбари;
- муассислар;
- тугатувчи ёки банкротлик бошқарувчиси;
- ваколат берилган бошқа шахслар.

Россия қонунчилигидаги эътиборли жиҳат рўйхатдан ўтказиш рад этилганидан кейин 3 ой ичида камчиликлар бартараф этилса, қайта мурожаат қилиш мумкин ва бунда давлат божи қайта тўланмайди.

Рўйхатга олувчи орган томонидан қабул қилинган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли давлат реестрига тегишли ёзув киритиш учун асос бўлади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақт деб рўйхатга олувчи орган томонидан тегишли давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақт ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар, яъни тегишли давлат реестрига ёзув киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахсинг таъсис ҳужжати ёки унга киритилган ўзгартишлар солиқ органида ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олувчи орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш муддати тугаганидан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, электрон имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат шаклида, юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат реестрида кўрсатилган электрон почта манзилига, шунингдек аризачи томонидан ҳужжатлар топширилганда кўрсатилган электрон почта манзилига юборилади.

Агар ҳужжатлар почта орқали ёки шахсан топширилган бўлса ёки электрон шаклда юборилган бўлса, рўйхатга олувчи орган аризачи талабига кўра қоғоз шаклида электрон ҳужжат мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни беради.

Агар рўйхатга олиш вақтида маълумотлар тўлиқ ёки нотўғри киритилган бўлса, ушбу хатоликларни тўғрилаш учун 30 кун вақт берилади. Агар ушбу муддат ичида

маълумотлар қонунчиликда белгиланган тартибда қайта тақдим этилмаса, рўйхатдан ўтказиш автоматик тарзда бекор қилинади.

Умуман олганда, Россия Федерацияси тажрибаси кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг тизимли ёндашувга асосланганлигини кўрсатади. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини аниқ тоифаларга ажратиш, давлат рўйхатидан ўтказишнинг электрон шаклларини кенг жорий этиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш муддатларининг қисқартирилиши бизнес муҳитининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур тизим орқали давлат томонидан иқтисодий фаолият устидан назорат ва статистик маълумотларни йиғиш механизми ҳам мустақамланган.

Шу билан бирга, ушбу тажриба айрим жиҳатлардан доимий такомиллаштиришни талаб қиладиган жиҳатларга ҳам эга эканини қайд этиш мумкин. Жумладан, рўйхатдан ўтказиш жараёнидаги техник ва ҳуқуқий талабларнинг мураккаблиги, электрон тизимларга боғлиқлик ҳамда маъмурий тартиб-таомилларнинг қатъийлиги баъзи ҳолларда тадбиркорлар учун қўшимча чекловлар яратиши мумкин. Шу сабабли, Россия тажрибаси умумий маънода давлат ва бизнес ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни таъминлаш, рақамлаштириш ва тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича муҳим амалий мисол сифатида қаралиши мумкин.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Федеральный закон "О государственной регистрации юридических лиц и индивидуальных предпринимателей" от 08.08.2001 N 129-ФЗ (последняя редакция)
2. Постановлением правительства «О предельных значениях дохода, полученного от осуществления предпринимательской деятельности для каждой категории субъектов малого и среднего предпринимательства»
3. Федерального закона «О развитии малого и среднего предпринимательства в Российской Федерации».
4. Филимонова Ю В. Особенности и порядок государственной регистрации субъектов малого и среднего предпринимательства. BULLETIN OF THE ANGARSK STATE TECHNICAL UNIVERSITY Volume 1 № 16, 2022
5. [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_32881/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_32881/)